1995-2000 ЙИЛЛАРДА ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИ

Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович
Андижон давлат тиббиёт институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ўрганилаётган даврда водий вилоятларида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, оналар ўлимини камайтириш, асоратли туғруқларни олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Андижон вилоятида 1995-йил давомида 56 минг 352 нафар ҳомиладор ҳисобга олинган. 97,1 фоиз ҳомиладор аёлларда терапевтлар кўриги ўтказилган. Улар орасидан экстрагенитал касалликлар билан рўйхатга олинган ҳомидадорлар 70 фоизни ташкил этиб, бу асосан камқонлик ҳисобига тўғри келган. Тиббий кўриклар натижасида туғиш ёшидаги аёлларнинг I гуруҳига 45,0 фоиз соғломлар, II гуруҳига 49,0 фоиз вақтинча туғиш мумкин бўлмаганлар ва III гуруҳига 6,0 фоиз умуман туғиши мумкин бўлмаган аёлларни ташкил қилган.

Туғруқдаги акушерлик асоратлар сони асосан 16-17 ёшли аёлларда кузатилиб, 18-19 ва 20-34 ёшлилардаги кўрсатгичлар деярли ўзгармаган. 35 ёшдан юқори бўлган аёлларда туғруқлар бир оз камайиб, 9,9 фоизни ташкил этган[1].

1996-йилда оналар ўлими даражаси 1993-йилга нисбатан ҳар 100 минг туғилган чақалоққа 24,1 дан 12 нафарга, гўдаклар ўлими эса 40,0 дан 32,5 нафарга камайди. Бу яхшиланишлар репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида оилани режалаштириш ва антенатал парвариш усулларини кенг тарғиб қилиш орқали амалга оширилди[2].

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатда туғилишнинг умумий коэффициентини ҳар бир аёлга 3,3 бола тўғри келади. Турли аҳоли гуруҳларида туғилиш даражаси ҳар хил. Шаҳардаги аёллар учун ҳар бир аёлга 2,7 бола қишлоқ жойларидаги аёлларникига қараганда анча паст бўлиб, қишлоқларда бу кўрсаткич 3,7 болани ташкил этган. Ўзбек аёллари учун бир аёлга ўртача 3,5 бола тўғри келиб, бошқа миллат аёлларига нисбатан (2,5) юқори бўлган.

1997 йилда Наманган вилоятида тиббий ёрдамга мурожаат қилмасдан ёки энг оғир аҳволда касалхонага тушиб нобуд бўлган бир ёшгача болалар 25,6 фоизни ташкил қилган[3]. Вилоятида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, акушерлик комплекслари ва кўчма аёллар маслаҳатхоналари фаолияти туфайли туғруқлар 66 фоизга, ҳомиладорлик бўйича ҳисобга олиш 8,7 фоизга камайган.

Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган «Ҳомиладор аёлларни ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» бўйича миллий дастури, ҳамда «Ёш авлодни соғломлаштириш комплекс Дастури»нинг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилиши натижасида 1996 йилда оналар ўлими истиқлолнинг дастлабки йилига нисбатан 4,4 ва чақалоқлар ўлими эса 1,8 мартага камайди[4]. Шу кўрсаткичларнинг оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар

[1] ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 8-рўйхат, 134-жиғма жилд, 28-варақ .
[2] Country WID Profile (Republic of Uzbekistan) December 1999. Japan International Cooperation Agency Planning Department. P. 11
[3] Ўзбекистон Республикасида гўдаклар ўлими // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 1998. – №1. – Б. 11–12.
[4] Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 144.

натижасида, соҳада бир қатор ўзгаришлар олиб борилди. Аммо бу вақтда малакали кадрларнинг камлиги, тиббий муассасаларнинг моддий-техника имкониятларининг ночор аҳволда эканлиги ҳам тизимдаги энг асосий муаммолардан бири эди.

Паталогик туғруқлар ва носоғ болаларни туғилиишининг олди олишиши натижасида туғиш кўрсатгичи ҳар 1 минг аҳолига нисбатан 1997 йилдага 25,2 дан 1998 йил 23,8 га камайди. Шунингдек, аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини аниқловчи муҳим кўрсатигичлардан бири оналар ўлими эди.

Наманган вилоятидаги туғруқ комплексларидан унумли фойдаланиш натижасида 55,7 фоиз ҳомиладорлар туғруққа тайёрлаш бўлимларидан ўтказилди. Вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бирламчи звено қишлов врачлик пунктларида ўзига ҳос ишлар олиб борилди. Жумладан, йил бошида аёллар тиббий кўрикдан ўтиб, туғруқ ёшидаги аёллар рўйхатга олинган[5].

Болалар ўртасида касалланиш ва ўлим ҳолларини олдини олиш бўйича бир мунча ижобий ишлар амалга оширилиши натижада гўдаклар ўлими кўрсаткичлари йилдан-йилга камайиб борди. Масалан, 1998 йилда 744 нафар бола вафот этган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилга келиб 664 нафарга тўғри келди. Ўлим кўрсаткичи камайган бўлишига қарамай, Наманган шаҳри, Косонсой, Тўрақўрғон ва Норин туманларида кўрсаткич вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Чақалоқлар ўртасида ўлим ҳолларининг кўпайиши асосан Янгиқўрғон тумани ҳисобига содир бўлган. Бунинг асосий сабаби туман марказий касалхонаси туғуруқхона бўлимида мутахассис шифокор (неонатолог) фаолият кўрсатмаганлигида бўлган. Бу ҳолат вилоят мутахасисслари ва Республика бош неонатологи томонидан ўрганилган бўлса-да мавжуд муаммо бартараф этилмаган[6].

Андижон вилояти ҳокимининг 1998 йил 16 июлдаги «Андижон вилоятида *туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишларини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари* тўғрисида»ги 112-сонли фармойиши чиқарилиб, унга асосан соғлиқни сақлаш тизимига бюджетдан ташқари 30 млн 330 минг сўм қўшимча маблағ ажратилди. Аёллар кўчма маслаҳатхонаси ташкил этилиб, камқонли аёлларни бепул даволаш учун 1 млн 600 минг сўмлик темир моддали дори-дармон сотиб олинди[7].

Мамлакатда 1998 йилда вафот этган 50 фоиз чақалоқлар ўлимининг асосий сабаби нафас олиш тизими касалликлари билан боғлиқ бўлган. Болаларнинг 25 фоизи перинатал даврда юзага келган шароитлардан вафот этган бўлса, 9 фоизининг ўлимига юқумли ва паразитар ҳамда 4,5 фоизига туғма касалликлар сабаб бўлган. Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу даврда Андижон вилоятида оналар ўлими кўрсаткичи ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоққа 17,7 ни ташкил этган[8].

1999 йилда Фарғона вилоятидаги 441 минг 709 нафар туғиш ёшидаги аёллардан 433 минг 959 нафари ёки 98,2 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, 75,7 фоизида экстрагенитал касалликлари аниқланган. Уларнинг 81,6 фоизи ҳомиладорликка нисбий ва 11,3 фоизи эса мутлақ монелиги бор деб топилган. Нисбий монелиги бор 96,8 фоиз аёллар акушер-гинеколог кўрувига юборилиб, уларга керакли тавсиялар берилган. Бемор аёлларниинг 243 минг 658 нафари стационар ва поликлиникаларда даволанган[9].

2000 йил «Соғлом авлод йили» Давлат дастурида белгиланган биринчи йўналиш – соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат эди. Унга асосан «Оналик мактаби», «Тиббий ишлар асоси», «Балоғат даври» каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилди.

---

[5] НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 277- йиғмажилд, 35-варақ
[6] НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 280- йиғмажилд, 64-варақ
[7] ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 19-рўйхат, 110-жиғма жилд, 23-варақ.
[8] Highlights on health in Uzbekistan. Original russian november 1999. P. 17
[9] НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 280-йиғмажилд, 64-варақ.

Дастурда кўзда тутилган иккинчи муҳим йўналиш - давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларда қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 млндан зиёд фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари олиб борилди.

Ушбу жамғарма орқали 6 млн АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамининг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилган ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган «Она ва бола скрининги» тиббий марказлари ишлай бошлагани ҳам диққатга сазовордир.

Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440 минг АҚШ доллари сарфланди. Соғлом авлод дастурининг бошқа йўналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, туғма касалликларга дучор бўлган ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди[10].

«Соғлом авлод йили»да Андижон вилояти ҳокимининг ташаббуси билан оналар ва болаларни соғломлаштириш йўналиши бўйича қўшимча 95 млн 280 минг сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига болалар муассасалари моддий-техникавий базаларининг сифати яхшиланди. Вилоятда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида 1995 йилга нисбатан 2000 йилда 18 минг 670 нафар касалманд болалар туғилишининг олди олинди[11].

«Соғлом авлод учун» дастурининг қабул қилинганлиги ва бу йўлда тинимсиз кураш, миллатни соғломлаштириш, аҳоли умрини узайтириш, оналар ва болалалар ўлимини камайтириш келажак авлодларга соғлом ва иқтидорли зурриёт қолдириш борасидаги изланишлар бу соҳада тўғри йўл тутилганлигини исботлади.

2000 йилда «Соғлом авлод» Давлат дастурига 6 та йўналиш бўйича Андижон ҳудудида вилоят ўсмирлар поликлиникаси ҳамда «Она ва бола» скрининг маркази ташкил этилиб, 26 минг 694 нафар чақалоқ текширилди ва 51 нафарида туғма нуқсон борлиги аниқланди. Ёшларнинг турмуш қуришдан олдин 10 минг 793 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди, 7 минг 952 нафар ёш оналар диспансер назоратига олинди. вилоятдаги 3 та туғруқ комплекси *«Болаларга дўстона муносабатда бўлувчи шифохона»* халқаро сертификатини олиш шарафига муяссар бўлди. Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар Республика Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилиб, Андижон тажрибасини бошқа вилоятларда ҳам тарғиб қилиниши тавсия этилди[12].

Наманган вилоятида 2000 йилда 4 нафар 2001 йилда эса 5 нафар оналар фарзанд кўриш жараёнида вафот этган. Ўлган оналарнинг нафари шаҳарда 2 нафари қишлоқларда

[10] Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т ошкент: «Ўзбекистон», 2001. –Б. 89.
[11] ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 19-рўйхат, 110-жиғма жилд, 23-варақ орқаси.
[12] ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 15-рўйхат, 178-йиғмажилд, 24-варақ орқаси.

истиқомат қилган. Уларнинг 3 нафари биринчи туғувчи, 2 нафари қайта туғувчи аёллар бўлган. Ижтимомй ахволи ҳақида маълумотлар ўрганилганда, аёлларнинг 90,0 фоизи уй бекаси, 10,0 фоизи ишчиларни ташкил этиши маълум бўлди. Бу кўрсаткич уй бекалари орасида олиб бориладиган соғломлаштириш ишларини янада кучайгириш зарурлигини кўрсатади[13].

Хулоса қилиб айтганда тадқиқот даврида водий аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилиши, айниқса она ва бола соғлиғини сақлаш йўлида олиб борилган ислоҳотларда намоён бўлди. Бу борада стационар тиббий ёрдамдан профилактика тиббиётига ўтилди. Ҳомиладор аёллар ва икки ёшгача болаларнинг ижтимоий ҳимояга олиниши, дори-дармон билан таъминланиши болалар ва оналар ўлимининг камайишида ўз аксини топди.

[13] НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 453-йиғмажилд, 52-варақ.